

Мисиров К.М. – ТМИ,  
доцент, и.ф.н.

## ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада енгил саноат корхоналарда моддий харажатлар ҳисобини юритишда бошқарув ҳисобининг ўрни, енгил саноат корхоналарда маҳсулот таннархни калькуляция қилиш усуллари, соҳавий хусусиятлари, харажатлар ҳисобини бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш соҳасида ўзаро боғлиқлик жиҳатлари юритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** бошқарув ҳисоби, асосий фаолият харажатлари, моддий харажатлар, маҳсулот таннархи, калькуляция қилиш усуллари.

В статье рассмотрены место управленческого учета при организации учета материальных затрат на предприятиях легкой промышленности, методы калькуляции себестоимости продукции, исходя из особенности данной сферы, а также взаимосвязь бухгалтерского учета и налогообложения при управлении расходами.

**Ключевые слова:** управленческий учет, расходы от основной деятельности, материальные расходы, себестоимость продукции, методы калькулирования.

The article deals with the place of management accounting in the organization of the account of material costs in the enterprises of light industry, the methods of calculation of cost production, based on the characteristics of this sector, and the relationship of accounting and taxation at the expenditure management.

**Keywords:** management accounting, expenses from primary activity, material costs, production costs, methods of calculation.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида республикамизда ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш аҳолининг ҳаёт фаровонлигини яхшилаш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, инфляция суръатини пасайтириш, жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув каби масалаларни ҳал қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш соҳаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятини ташкил этишида албатта харажатлар билан бевосита боғлиқдир. Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини юритишда асосий фаолият харажатларини қилишига мажбур бўлади. Умуман олганда ҳар бир хўжалик субъектларнинг муносабатлар жараёнини асосий фаолият ташкил этади, шу сабабли ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ташкил этилиш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев “Ислохотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини

келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш” деб таъкидлайди[1].

Республикамизда барча соҳаларга кенг кўламли имкониятлар берилмоқда шу жумладан саноат ишлаб чиқариш корхоналар фаолиятини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни давом эттирилиши, саноати корхоналарининг иқтисодиётда ўрнини барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уларнинг бир маромда фаолиятини муваффақиятли давом эттиришларида харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва маҳсулот таннархини пасайтириш йўлларини илмий ҳамда амалий жиҳатдан асосланганлигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Енгил саноат корхоналарда тўлақонли бошқарув ҳисобининг йўлга қўйилиши бўлиб, унинг ўзаги таннархни ҳамда харажатларни шаклланишини бошқаришдир. Харажатларни шакллантириш ва таннарх - бошқарув ҳисобининг марказий негизида енгил саноат корхоналарнинг ҳисобини юритиш ҳозирги уннинг энг долзарб муаммоларидандир. Хўжалик субъектларида таннархни ҳар бир фаолият ва маҳсулот турлари, сотиш бозорлари, минтақалар ҳамда харидорлар дидлари бўйича калькуляция қилиниши бугунги куннинг давр талабларидан бўлиб ҳисобланади. Енгил саноат корхоналарида моддий харажатларни шакллантириш таннархни калькуляция қилиш усуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу калькуляция қилиш усулларининг муҳим хусусиятларига, жумладан, соҳавий хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг илмий асосланганлиги уларнинг назарий жиҳатлари қай даражада ишлаб чиқилганлигига боғлиқ.

Харажатлар ҳисобининг назарияси ва амалиётида биргина “таннарх” тушунчасигина мавжуд эмас. Унинг мазмуни қуйидаги омиллар таъсирида ўзгариши мумкин:

- маҳсулотнинг тайёрлик даражаси ва унинг сотилишига қараб, ярим тайёр маҳсулот, омборда сақланаётган маҳсулот ва сотилган маҳсулот таннархлари;
- маҳсулот миқдорига қараб, маҳсулот бирлигининг, бутун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи;
- жорий харажатларни калькуляция объектининг таннархига киритиш тўлиқлигига қараб, тўлиқ амалдаги таннарх ва чекланган таннарх;
- таннархни шакллантиришнинг тезкорлигига қараб амалдаги ёки меъёрий, режали таннарх фарқланади[2].

Енгил саноат корхоналарида харажатлар таркибида моддий харажатлар салмоқли ўринни эгаллайди, шу сабабли моддий харажатлар таркибини калькуляция қилиш орқали қайси бир харажатларга ошиқча йўл қўйилаётганлигини аниқлаб шу харажатларни қисқартириш чораларини кўриш, корхоналар фаолиятини бошқариш орқали фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг

ечимини топиш алоҳида ўрин эгаллайди. Корхоналарда харажатлар ҳисобини бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш соҳасида амал қиладиган қонунчилик доирасида фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани ўзгартиришга сабаб бўлади. Шу муносабатда “таннарх” тушунчасини турли нуқтаи назар асосида меъёрий маромга солиш, шакллантириш тамойиллари, таснифлашнинг турлича усуллари қўлланилади.

Хўжалик ички ҳисоб-китоблари ва назоратини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш сарфларининг ҳисоби маҳсулотнинг турларига кўра; сарфларнинг юзага келиш жойига кўра; харажатларнинг турларига кўра амалга оширилади.

Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) таннархини ҳосил этувчи иқтисодий унсурларнинг барча корхоналар ва ташкилотлар учун ягона номенклатураси белгиланган буни 1-жадвалдан кўриш мумкин.

1-жадвал.

### Моддий харажатларни аниқлашда иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича туркумланиши

Иқтисодий элементлари бўйича	Калькуляцион моддалари бўйича
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар	Хом-ашё
	Ёқилғи
	Электр қуввати
	Эҳтиёт қисмлар
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари	Идишлар ва ҳақозо
	Асосий иш ҳақлари
	Қўшимча иш ҳақлари
Ишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат ҳақидан ажратмалар	Иш ҳақиға устамалар
	Ижтимоий таъминот бўлимига
	Меҳнат биржасига
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, эскириш харажатлари	Касаба уюшмасига
	Асосий воситаларнинг эскириши
	Номоддий активларнинг эскириши
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	Асосий восита ва номоддий активларнинг ижара ҳақлари
	Турли ишлар ва хизматлар
	Солиқлар, йиғимлар ва ҳақозо

Енгил саноат корхоналарда моддий харажатлар ҳисоби юритиладиган йўналиш-ишлаб чиқариш харажатларининг алоҳидаланган ва мақсадли ҳисобини талаб этувчи фаолият соҳасидир. Яъни, бухгалтерия маълумотларининг фойдаланувчилари бирор сарф-харажат ҳақида ниманидир билиб олмоқчи бўлсалар, айнан шу нарсанинг ўзи ҳисоб йўналиши бўлади. Маҳсулот таннархига киритиладиган моддий харажатлар ҳисобининг йўналишига маҳсулот таннархи калькуляцияси, сотиш бўлими таъминоти сарфлари калькуляцияси, яъни амалда бирон-бир мансабдор шахснинг ишлатилган захираларни баҳолаш заруратини юзага келтирадиган ҳолатлар

мисол бўлиши мумкин.

Енгил саноат корхоналарда моддий харажатлар таснифи сарф-харажатлар маҳсулотни ишлаб чиқаришга нисбатан турлича эканлигини акс эттириш ва уларнинг турларини белгилашга имкон беради. Бухгалтерия маълумотларини таснифлашнинг кўпгина схемалари мавжудлигига қарамай, улардан бирини намуна сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Таснифлаш схемаси маълумотнинг мақсадига боғлиқдир.


Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга [3] асосан тартибга солинади. Ушбу ҳужжатда маҳсулот таннархига киритилган харажатлар рўйхатининг ўта муайян таърифи билан ажралиб туради. Халқаро стандартларга мос келадиган таннарх моддаларини таркиблаштириш нафақат ҳужжатларни шундай турдаги умумий меъёрларга яқинлаштиради, балки, эҳтимол, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўшма корхоналар учун фойдали ҳам бўлади. Енгил саноат корхоналарнинг моддий харажатларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш моддий сарфлари;
- ишлаб чиқариш туридаги меҳнат ҳақи сарфлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган ижтимоий суғурталашга ажратмалар;
- ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси;
- ишлаб чиқариш мақсадидаги бошқа сарфлар.

Енгил саноат корхоналарда моддий харажатларни ишлаб чиқаришга сарфи ҳисобини ташкил этишга фаолият турлари, ишлаб чиқаришнинг ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг тури, корхонанинг бошқарув тузилиши ва ўлчамлари таъсир кўрсатади.

Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) таннархини ҳосил этувчи иқтисодий унсурларнинг барча корхоналар ва ташкилотлар учун ягона номенклатураси белгиланган.

Баъзи муаллифлар ишлаб чиқариш сарфларини умумиқтисодий ва режали-ҳисоб белгиларига кўра таснифлашни таклиф этадилар. Енгил саноат корхоналарда моддий харажатлар таснифи сарф-харажатлар маҳсулотни ишлаб чиқаришга нисбатан турлича эканлигини акс эттириш ва уларнинг турларини белгилашга имкон беради. Бухгалтерия маълумотларини таснифлашнинг кўпгина схемалари мавжудлигига қарамай, улардан бирини намуна сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Таснифлаш схемаси маълумотнинг мақсадига боғлиқдир. Инглиз олими Алборов, Ролан А. сарфлар ҳисобининг қуйидаги йўналишларини ва уларнинг эҳтимолий таснифларини таклиф этади [4].



### 1-расм. Моддий харажатларни ўзларининг қатнашишига кўра таркиблаш<sup>1</sup>

Ҳисоб тизими сарфларни маълум тоифаларга кўра таснифлаб йиғади. Сарфларнинг бу тоифалари ҳисоб йўналишлари бўйича тақсимланади. Бухгалтерлар маҳсулот таннархига кирувчи сарфлар ва ҳисобот даври харажатларини таснифлайдилар. Маҳсулот таннархига киритилмайдиган моддий харажатлар қайта сотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотларга оид сарфлар киритилади. Корхонада бу сарфлар тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини, унинг сотилиши пайтигача белгилашда ҳисобга олинадиган маҳсулот бирлигининг таннархи бўлади. Маҳсулот сотилгандан кейин фойдани ҳисоблаш учун бу сарфлар сотишдан тушган тушумлар билан қиёсланади. Ҳисобот даврининг харажатлари захираларни баҳолашда ҳисобга олинамайдиган сарфлар ҳисобланади. Шунинг учун улар содир бўлган давридаёқ харажат сифатида тан олинади. Демак, ҳисобот даврининг сарфлари ва захираларни баҳолашда ҳисобга олинадиган сарфлар билан умуман боғланмаслиги лозим. Корхонада барча ишлаб чиқариш моддий харажатлари маҳсулот таннархига, ноишлаб чиқариш харажатлари эса ҳисобот даври харажатларига киритилади.

Маълумотнинг мақсади ва уни тақдим этишнинг даврийлиги мезони ҳам ажратиб кўрсатилиши лозим. Юқорида таъкидлаб ўтилган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар уч асосий йўналишни аниқлашда қўлланилади. Демак, маълумот мақсади ва уни тақдим этишнинг даврийлик мезони ҳам мустақил мезон сифатида алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

<sup>1</sup> Расм. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида йўқотишларини ва зарарларини камайтиришга интилиши заҳираларни аниқлашга, хусусан, меҳнат, моддий ва хом-ашё заҳираларидан оқилона фойдаланишга этибор қилиш талаб этилади. Чунки моддий сарфларни қисқартиришга алоҳида эътибор бериш лозим, бунда барча ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг 50-80% қисмини ташкил этади[5]. Моддий сарфларнинг қиймати четдан сотиб олинган хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергиянинг барча турлари, сотиб олинган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар, бошқа корхоналар бажарган ишлаб чиқариш туридаги ишлар ва хизматлар, моддий заҳираларнинг табиий камайиш меъёрлари доирасида камомати оқибатидаги йўқотишлар қийматидан таркиб топади. Бундан ташқари, моддий сарфлар таркибига ускуналар, жиҳозлар, лаборатория ускуналари ва асосий фондларга киритилмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг ҳисобланган эскириши қийматлари ҳам киради.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйдаги хулосаларга келинди:

1.Ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги сарфлар таркибини белгилайди. Бунда баъзи сарфлар ката ҳажмга эга, демакки, аҳамиятлироқ, бошқалари эса кам аҳамиятли, шунинг учун бошқаларининг таркибида йириклаштирилган ҳолда ҳисобга олиниши мумкин. Шу сабабли, ишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга олишни ташкил қилиш мезонини ажратиб кўрсатиш лозим.

2.Аввалроқ ўтказилган сарфлар таркиби таҳлили шуни кўрсатадики, таннархнинг даражасига энг кўп таъсир этувчи қуйдаги сарфлар мавжуд: хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва электр энергияси сарфлари. Демак, бу ҳолда “аҳамиятли сарфлар”ни ушбу сарфлар турларига кўра фарқлаш лозим.

3.Енгил саноат корхоналарида моддий харажатларнинг таснифланишини шакллантиришни таъминловчи мезонлар схемаси кўшма корхоналар турлари учун мос келади. Лекин, Енгил саноат корхоналар фаолиятининг ўзига хослиги унинг ташкилий тузилиши ва замонавий шароитларда ишлаш мақсадлари сарфларни бошқаришни, демакки, корхона фаолиятининг натижаларига таъсир этувчи бошқа омилларига этибор қаратиш керак.

4.Енгил саноат корхоналар ҳисоб тизимини ташкил этишда ушбу мақомга эга корхона хусусиятларини инобатга олиш, енгил саноат корхоналарида харажатлар ҳисобини самарали бошқариш муҳим омиллардан биридир. Бугунги кунда эса, саноат корхоналарида харажатлар ҳисобини юритишда меъёрий ҳужжатлар ва корхонадаги амалий маълумотларга асосланган ҳолда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.М.Мирзиёев “2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси” Халқ сўзи газетаси. 2017й. 16 январ.
2. Д.Кудбиев. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш. Бозор, пул ва кредит». –Т.: 2005й. 15 б
3. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. –Т.: 1999й
4. Алборов, Ролан А. Бухгалтерский управленский учёт (теория и практика) / Р.А Албаров. - М.: Издательство «Дело и Сервис» 2005. - 244 с
5. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. –Т.: Молия.2002. 672-бет